

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

Республика партия ва ҳукуматининг
Мурожаати жасоратга чорламоқда

Тошкентликлар «оқ олтин» теримчилари сафига
қўшилишга даъватни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар

Зарбдорларча меҳнат билан «Ўроқ ва Болға» бузимас
иттифоқини мустаҳкамлаймиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 234 (4829)
19 ОКТЯБРЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1986 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 5 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Долзарб мавзу ШАРАФИМИЗ, ШУҲРАТ-ШОНИМИЗ

«МАМЛАКАТНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИ-
ЛАН ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ХОМ-
АШЕСИ БИЛАН ПУХТА ТАЪМИН-
ЛАШГА ИНТИЛИНГИЗ!»

(КПСС Марказий Комитетининг
Улуғ Октябр социалистик револю-
циясининг 65 йиллигига Чақириқ-
ларидан).

Ҳар биримизнинг ўзимизга хос қундалик та-
швиқларимиз бор — янги уй-жойлар дурамин,
дастгоҳлар ёнида туриб меҳнат қиламиз,
трактор ва самолётлар яратамиз, фарзандлар-
ни тарбиялаймиз... Аммо шу кунги кунларда
Ўзбекистоннинг ҳар бир аҳолиси, ҳар бир
тошкентликнинг муштарак, ягона ташвиши
бор. Бу — пахта ташвиши. Шунинг учун ҳам
ҳар биримиз учун «кеча хирмонларга... тонна
пахта тўкилади» деган маъмулотдан ҳам муҳим-
роқ, ҳаяжонлироқ нарса йўқ.

Ҳар кунги тонгда газетанинг биринчи саҳи-
фасига қизиқиш, фахр ва ташвиш билан ти-
киламиз. Пахта фронтда ишлар қандай кета-
ётган экан? Олдидан ким борапти? Қолоқлар
қимлар?

Далалардан келаятган ана шу қисқа маъ-
мулотлар, худди жаг майдонидан келаятган
хабарлар сингари бизни ҳамма нарсадан ҳам
кўпроқ ҳаяжонга солади.

Биз, тошкентликлар, Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Мин-
истрлар Советининг қўммунист ва комсомол-
ларга, эркак ва аёл колхозчиларга, совхозлар-
нинг ва саноат корхоналарининг эркак ва аёл
ишчиларига, қишлоқ хўжалиги механизаторла-
ри, раҳбарлари ва мухассисларига, студент-
лар ва ўқувчиларга, республиканинг барча
меҳнатқилларига «Дала чорламоқда, ҳамма
пахта теримига!» деб номланган Мурожаати-
ни катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдик.

Ахир «Ташсельмаш» ишхонаси ва «Средазна-
бель» ижтисоти, «Ташметрострой» монтажчи-
си ва ТошДУ студентини Мурожаатнинг мана
бу сўзлари безғабир қолдириши мумкин:
«Биз ҳаммамиз бутун қалб амри билан
пахтакоримиз. Бинобарин, меҳнат қилиш кўн-
дан келган ҳар бир киши бугун «оқ олтин»
теримчилари сафида бўлиши керак. Ҳозир биз
ҳаммамиз «оқ олтин» теримининг талабчи
қонунари асосида янги «оқ олтин» теримчи-
ларимиз. Ҳеч кимнинг бурчи ва виждони энг
асосий ишмиздан — сув тақчиллиги ва об-
ҳаво ниҳонлиқларининг жуда кийин шароит-
ларида етиштирилган мўл ҳосилни тўла-тўки
териб олинган четда қоллишига йўл бермайди».

Ҳа, Ўзбекистон деҳқонларига юксак ҳосил
олиши осон эмас. Баҳордаги сув тансиқлиги, егин
иссиқ гармисел, қузнинг бошидаги ёмғирлар ва
тез совуқ тушиши «оқ олтин» учун кураш-
да ўзига хос қаттиқ синов бўлди. Аслини ол-
ганда, деҳқон меҳнати ҳеч қачон осон бўлган
эмас! Аммо у ҳамма табиат ниҳонлиқларига
юксак маҳорат ва қатъиятини, бой тажрибаси
ва улкан меҳнатсеварлигини қарама-қарши
қўйиб келган.

Бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди. У Ва-
тан олдида олинган юксак мажбуриятларни
бажаришга бемалол етди. Ҳозиргина дала-
лардан 4 миллион тонна юксак сифатли пахта

йиғиштириб олинди. Республиканинг катта
хирмони кундан-кунга ўсмоқда.

Пахта йиғим-теримининг энг қизғин даври
бошланди. Эрта тонгда, далалар четидида те-
рактлар учидан кўёш нурлари яилва қилмадан
туриб «зангори кема»лар ишга тўшмоқда.
Илиқ қуз қуёши уфқ ортига ботиб кетгандан
кейин ҳам моторларнинг гуриллаши худудсиз
кеңгликлар узра эшитилиб туради. Бугун бош-
қача бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир кун, ҳар
бир дақиқа ганимат. Ҳадемай, ёмғирлар бош-
ланади. Намгарчилик эса пахтакорнинг раҳи-
биядир. Техника тўхтаб қолади. Йиғим-терим
суръати ва ҳосил сифати пасаяди.

Шунинг учун ҳам айни шу кунларда пахта-
корларга биз — шаҳарликларимиз ёрдамимиз
жуда зарур. Биз пахта фронтининг алғорла-
рига тенглашиб, ўзимиз яшайтган ерга му-
ҳаббатимизни иш билан неботлашимиз зарур.

Уи минглаб тошкентликлар ҳозир Жиззах
ва Тошкент области деҳқонларига ёрдам бер-
япти. Шаҳримиз саноат корхоналарига тайёр-
ланган йўлаб кўчма ўстахоналар, ремонтчи-
лар, слесарлар, инженерлар билан биргаликда
пахта далаларига йўл олганига аниқ бўлди.
Улар «зангори кема»ларин тез ва сифатли ре-
монт қилишга ёрдам беряпти. Тошкент такси-
чилари ўз машиналарини рулани «Ўзбекистон»
пахта терим қомбайни штурвалига алмаш-
тиришди, студентлар эса вагинча ўз дар-
сликларини қўйиб, далаларда зарбдорларча
меҳнат қилмоқдалар.

Пахтакорлар ва шаҳарликларининг оммавий
қарамонлигини кенгроқ ёритиш мақсадида
«Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшом»
газеталари ҳамда «Главташпассавтотранс»
бошқармаси сайёр бригадаси бир неча кундан
буён Жиззах ва Сирдарё областлари дала-
ларида юксак ҳосил учун бораётган курашнинг
олдинги марраларида бўлмоқда.

Шаҳарликларнинг яқиндан берган ёрдами
туфайли Тошкент области пахтакорлари йил-
лик планини муваффақиятли адо этдилар. Ва-
танга 430 минг тонна юксак сифатли пахта
топширилади. Бўша ва Оққўрғон, Ғалаба ва
Пискент районлари деҳқонлари коммунистча-
гина, гайрат билан меҳнат қилгилар.

Аммо тўла ғалабагача ҳали анча йўл бор.
Фақатгина пахтакорлар ва биз — шаҳарлик-
ларнинг биргаликдаги гайрат-шажоати билан-
гина республика мамлакатга берган ўз сўзи —
6 миллион тонна «оқ олтин» териб олиш маж-
буриятини бажариши мумкин.

Шундай экан, катта қийинчилик билан
етиштирилган ҳосилнинг охирига чаногингача
тез ва исроф қилмасдан йиғиб-териб олишда
деҳқонларимизга ёрдам бериш учун ўз куч ва
гайратимизни алмайлик. Ахир қадимий ва ҳа-
миша нақирон ўзбек ерда яшайдиган ҳар
бир киши «оқ олтин» бу заминнинг энг асо-
сий бойлиги эканлигини жуда яхши билади.

Келинг, ҳаммамиз худди бир кишидек пахта
даласига чиқайлик! Республикаимизнинг
катта хирмони кундан-кунга ўсверсин. Ахир
шояр айтгандек:

Пахта — бизда энг биринчи сўй!
Пахта — тўқин дастурхонимиз.
Эту ишлар ибтидоиси у,
Шарафимиз, шуҳрат-шонимиз!

МАДАДКОР БЎЛИБ

Пойтахтимиз даги грамластиникалар за-
водининг бир группа ишчилари шу долзарб
кунларда «Ўроқ ва Болға иттифоқи»га со-
диқ қилиб, Сирдарё об-
ластининг Илич рай-
онидида 6 «А» совхоз
пахтакорлари оғирини
енди қилишмоқда.
Группа ўзи билан кў-
чма ўстахона ҳамда пай-
вандаш агрегатларини
олиб борган. Тажриба-
ли слесар ва тонар-
лар ҳамда механиклар
йиғим-терим пайти, ш-
кастланган зангори ке-
малар ҳамда принцип-
ларни ҳозиржавоблик
билан ремонтдан чиқри-
ши ишларни муваф-
фақиятли бажаришмоқ-
далар.

Корхона ишчилари-
дан тузилган бригада
эса пахта теримига
фасол қатнашиб, рес-
публиканинг улкан
«оқ олтин» хирмони-
га муносиб улдуш қили-
ши учун фидокорлик кўр-
самоқда. М. Самсо-
нов, В. Руденко, Н.
Юнусов сингари ўлаб
ишчилар кунига 60—
70 килограмдан пахта
териб, ҳашарчилар
орасида пешқадамлик
қилишмоқда.

тошқин газеталарда

◆ 18 октябр кун
Москвада СССР Фанлар
академиясининг Давлат
ва ҳуқуқ институтидида Со-
вет — Франция симпози-
уми очилди. Симпози-
ум шахсининг ҳуқуқий ма-
даниятини шаклланти-
риш ва уни ҳуқуқий тар-
биялаш проблемаларини
муҳокама қилишга ба-
ғишланди.

◆ Халқро театр ин-
ститутининг 18 октябр
кун Тошкентда очилган
семинари қатнашчилари
К. С. Станиславский таъ-
лимийотини ўрганиш мақ-
садида Ўзбекистон театр-
лари тўплаган тажриба-
ни муҳокама қилмоқде-
лар. 20 га яқин мамла-
кат саноати намоён-
адлари қатнашган
учрашув «К. С. Станис-
лавскийнинг ижодий ме-
роси ва кўпмиллатли со-
вет театрининг ривож»
деган мавзуга бағишлан-
ди.

Пахтазордан № 18 дараклар


◆ РЕПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МУРОЖААТИГА ЖА-
ВОБАН ЙИҒИМ-ТЕРИМИН ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТИРМОҚДАЛАР. РЕПУБ-
ЛИКА ТАЙЕРЛОВ ПУНКТЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН «ОҚ ОЛТИН» 4
МИЛЛИОН 319.335 ТОННА БУЛДИ. ШУ ЖУМЛАДАН 322.489 ТОННА ИН-
ГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ. 2 МИЛЛИОН 188 МИНГ ТОННА
ПАХТА МАШИНАЛАР ЕРДАМИДА ТЕРИЛДИ.

ЭТАН КУНИ РЕПУБЛИКАМИЗ ДАЛАЛАРИДА 70.879 ТОННА, ШУ
ЖУМЛАДАН 7.365 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ. МЕ-
ХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР БИР КУНДА 52.720 ТОННА ДУРДОНА ТЕРДИЛАР.

◆ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ КОММУНИСТИК РАЙОНИ ЗАРШУНОС-
ЛАРИ ҲАМ МАРРАГА ЕТИЛАР. ТАЙЕРЛОВ ПУНКТЛАРИГА 27.259 ТОННА
ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ. РАЙОН ЗАВАРГА «ПОЛИТОДЕЛ», «ПРАВ-
ДА», «ЎЗБЕКИСТОН» КОЛХОЗЛАРИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ МУНОСИБ
ХИССА ҚУШДИЛАР. РАЙОН МЕХНАТЧИЛАРИ ЯЛПИ ҲОСИЛНИ 32 МИНГ
ТОННАГА ЕТКАЗИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР.

◆ ПАХТАКОР УРТОҚЛАЙ! ОНА-ВАТАН БИЗДАН ОЛТИ МИЛЛИОН
ТОННА УЛКАН «ОҚ ОЛТИН»НИ КУТМОҚДА. ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ПЛАН ВА
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШ УЧУН
БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ИШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК: ҲАММА-
НИНГ ЭРИНИ ПАХТАЗОРДА!

ТОШКЕНТ ВЕЧЕРНИЙ
ОҚШОМИ ТАШКЕНТ
газеталари
ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС»
БОШҚАРМАСИНИНГ
РЕСПУБЛИКА ПАХТА
ДАЛАЛАРИДАГИ
МАТБУОТ МАРКАЗИ



Махсус мухбирларимиз
Ҳ. Икромов, А. Хатамов
А. Эгамназаровлар
Жиззах областидан
хабар қилдилар:

8. «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНЛАРИ КЎККА БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий
Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожа-
ати республиканинг барча меҳнатқиллари учун шу кунги ишмизининг
асосий қонирет программаси бўлиб қолди. Бу Мурожаат пахта майдон-
ларида жасорат кўрсатиб ишлашга чорламоқда, барча ички резервларни
синхроник билан ишга солишга, қишлоқ меҳнатқилларига қонирет ва
амалий ёрдам кўрсатишнинг янгидан-янги имкониятларини қидириб то-
пишга даъват этмоқда!

Шу кунларда тошкентликларнинг ҳам ингоҳи пахта майдонларига қар-
ратилган. Ҳар кунги эрта тонгда газеталарни сотиб олишаркан, улар авва-
ло «оқ олтин» йиғим-терим қандай кетаётганлиги тўғрисидаги маълумот
билан қизиқишади. Улар қишлоқ меҳнатқиллари сингари ғалаба оларни-
дан қувонишади, ҳаяжон ва ташвиш билан осмонга қарашади, доимо
қуёшнинг чарақлаб туришини, ёгин-сочинли кунларнинг бўлмаслигини
хошлашади. Бу тушунарли албатта. Чунки ҳосил учун кураш ҳал қилувчи
паллага кирди. Бинобарин республиканинг ҳар бир меҳнатқили шу
кунларда ўзини бу муҳим ишдан четда тутолмайди. Ахир пахта бизнинг
асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотимиз, Ўзбекистоннинг фахр ва ифтихо-
ридир.

Утган йиллар пўлатдек мустаҳкамлаган «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг
еркин тантанаси, аиникса, шундай долзарб кунларда кўзга яқин ташлан-
моқда. Бу галги қуз ҳам инжиқ келди, ҳосилни йиғиштириб олиш бир
мунча мураккаблашмоқда. Тез-тез ёғаятган ёмғирлар, шамол ва совуқлар
қишлоқ меҳнатқиллари учун ана бир жиддий имтиҳон бўлди. Ана шу бо-
исдан шу кунларда ҳамшаҳарларимиз далаларда етиштирилган ҳосилни
тез ва саз йиғиштириб олиш йўлида қўлларидан келган барча чора-тад-
бирларни кўриб, деҳқоннинг энг яқин мададкорига айланишмоқдалар.



Қалб амри, бурч та-
қозиси билан «оқ ол-
тин» ҳосилни йиғиб-
териб олишга олий
ўқув юрларининг сту-
дентлари, техникум ва
курсларнинг билим
қуларининг ўқувчилари
ридан уларча минг
нафар далаларга от-
ланди. Комсомол ва
ёшлар даладарда зўр
шикоят билан ишла-
шмоқдалар, улар завар-
ининг бугунги гайрат-
шикоятлари, фидойи-
лик билан меҳнат қи-
лашларига жуда катта
аҳамиятга эга эканли-
гини чин дилдан ҳис
қилмоқдалар. Шаҳар-
даги саноат корхонала-
рининг автохўжалиқла-
рининг коллективлари
ҳам бу кўтуру ишдан
четда қолмайди.
Улар қишлоқларга сле-
сарлардан иборат бри-
гадаларини жўнатиш-
ди. Бу бригадалар
қишлоқ хўжалик ма-
шиналарини ремонтдан
чиқаришда муҳим роль
ўйнамоқда.

«Оқшом» газетала-
рининг бундан олдинги
бир қанча сонларда
«Пойтахт области: пах-
тазордан мақбул» ру-
брикасида остида се-
риали материаллар
босилди. Бўша, Оққўрғон,
Урта Чирчиқ районла-
рида пахта йиғим-тери-
ми қандай кетаётганли-
ги ҳақида хўжа қилин-
ган эди. Бу материал-
ларда Тошкент техно-
логисининг афзаллиқ-
лари туфайли пойтахт
области нақадар ю-
қ кўрсаткичларга эриша-
ётганлиги ҳақида кон-
крет мисоллар келти-
рилган эди.



Пойтахт областининг Ғалаба районидаги «Ленинград» кол-
хозининг икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери
Абдулқосим Бойсанов бошлиқ бригада аъзолари пахта
йиғим-теримда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ушбу
коллектив 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнер-
дан ҳосил йиғиб-териб олишга сўз берган.

СУРАТДА: [чапан-ўнга] механик ҳайдовчи Сафар Худой-
берганов, бригадир Абдулқосим Бойсанов ҳамда меҳнат
ҳайдовчи Саймиқул Айтбоевлар.
Л. Гусейнов фотоси.

